INV.№

*Ислом КАРИМОВ:*

***Биз Марказий Осиёдан ташқарида юз бераётган воқеалардан узилиб қолганимиз йўқ. Биз — инсониятнинг бир қисмимиз, дунё эса яхлитдир. Биз бошқа давлатлар билан бир қаторда сайёрамизнинг барча бурчакларида инсонларнинг кафолатланган тинч ҳаёт кечирадиган вақтини тезроқ яқинлаштириш учун тинчлик ўрнатиш йўлидаги бунёдкорлик жараёнида иштирок этишни истаймиз.***


# O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 20 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

№ 48 (25.598).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 апрель куни Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Мадлен Олбрайтни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, М.Олбрайт орқали АҚШ ҳукумати ва халқига эҳтиромини изҳор этди. Мазкур ташрифни икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янада ривожланишига туртки берадиган муҳим тадбир, деб билишини таъкидлади.

– АҚШ Давлат котиби охирги марта 1992 йилда Ўзбекистонга келган эди, – деди Президент учрашувда. – Ушбу ташриф АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилиши ошиб бораётганидан дарак беради.

Мадлен Олбрайт Ўзбекистонга сафари қизиқарли ва айни пайтда самарали кечаётганидан мамнуният изҳор этди. Меҳмон бу учрашувга қадар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиб келганди. Учрашувда ана шу сафар таассуротлари билан ўртоқлашди.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари, икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини янада ривожлантириш, халқаро ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди.



**Суратларда:** ***қабул пайти.***
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

## ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА

Шу йилнинг 20-21 апрель кунлари Тошкентда Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентларининг учрашуви бўлади.

Учрашувда минтақавий ҳамкорлик ва Марказий Осиё давлатларининг ўзаро муносабатлари масалалари кўрилади.

■ **(ЎзА)**

## ОЛБРАЙТНИНГ САМАРҚАНД ВА БУХОРО ЗИЁРАТИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

Дастлаб америкалик меҳмон Самарқанддаги "Сабр" ишонч маркази фаолияти билан танишди. Мазкур марказ оилани мустаҳкамлаш ва аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга боғлиқ муаммолар билан шуғулланади.

Мадлен Олбрайт шаҳардаги қадимий меъморий ёдгорликларни томоша қилишни Регистон майдонидан бошлади. У Шоҳи Зинда мажмуи, Гўри Амир мақбараси ва Бибихоним мадрасасини мароқ билан кўздан кечирди.

АҚШ Давлат котиби "Сиёб" бозорида бўлиб, бозорларимизнинг сахий ўзбек заминида етиштирилган нознеъматларга бойлигига шоҳид бўлди. Айниқса, Олбрайт хонимга ўзининг исми ёзилган машҳур Самарқанд нони тақдим этилганда, у ҳайратини яшира олмади.

Самарқанд сафари чоғида АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари "Мерос" ва "Усто" халқ амалий санъати марказлари фаолияти билан ҳам танишди. Бу ерда маҳаллий усталар томонидан тайёрланган миллий кийимлар, ҳунармандлик буюмлари меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Мадлен Олбрайт хоним Бухоро шаҳрида бўлганида яҳудийлар синагогасида ибодат қилди. Ибодат сўнгида АҚШ Давлат котиби чет эллик ва маҳаллий журналистлар учун интервью бериб, жумладан, шундай деди:

Мен ҳозиргина синагогада жаҳон халқларига тинчлик тилаб ибодат қилдим, шамчироқ ёқдим. Ўзбекистонда, яна такрор айтаман, Ўзбекистонда барча динларга бир хил эътибор берилаётгани, виждон эркинлиги тўла таъминлангани мени жуда қувонтирди. Бу жиҳатдан Ўзбекистонни бутун дунёга ибрат қилиб кўрсатса арзийди...

Шундан сўнг Олбрайт хоним Бухоро ҳунармандлари марказини томоша қилди. Нодир Девонбеги мадрасасида ташкил қилинган Бухоро ҳунармандлари, зардўзлари, кандакорлари, заргарлари маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Пойи Калон мажмуи, айниқса, Масжиди Калон тарихий обидаси америкалик меҳмонни ҳайратга солди. М.Олбрайт Марказий Осиёдаги бу энг катта масжид Бухоро шаҳрининг юбилейи арафасида шахсан юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси ва амалий ёрдами билан таъмирлангани, аслига қайтарилганини эшитиб хурсанд бўлди.

Бухоро, ҳақиқатан ҳам, Шарқ гавҳари экан, — деди сафар сўнггида М.Олбрайт, — мен бу қадимги маданият ва дин ўчоғини зиёрат қилар эканман, кўнглим ғоятда кўтарилди.

■ **Анвар КАРИМОВ, Илҳом САФАР, ЎзА мухбирлари.**

## ХОРИЖЛИК ХОНИМ НАЗДИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК АЁЛЛАР МАДАНИЯТИ

Таниқли немис фотосуратчиси Габриеля Келлер хонимнинг республика Бадиий академияси ҳомийлигида ташкил этилган «Ўзбекистонда аёллар маданияти» деб номланган фото кўргазмаси қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрида ҳам намойиш этилди. Ибн Сино номидаги вилоят кутубхонасида ташкил этилган кўргазмада ўзбек аёлининг гўзаллиги ва маънавияти, оналарнинг фарзандлари камоли йўлидаги фидойилиги, борингки барча жиҳатлари ўз аксини топган асарлар томошабинларни ҳайратда қолдирди.

«Ўзбекистоннинг донишманд аёллари», «Зиё чашмаси», «Келинчакларнинг сеҳрли дунёси», «Она-ю бола — боғдаги лола», «Ҳунарманд аёллар», «Миллат оналари» деб номланган бўлимларда қўйилган юздан зиёд рангли суратларда Ватанимиз хотин-қизларининг ёрқин чеҳралари, сермазмун ҳаётлари акс эттирилганки, бу олмон ва ўзбек халқи ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

■ **Даврон БАХРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Тошкентдаги Аёлларни соғломлаштириш марказининг очилиш маросимида иштирок этди. У маросимда сўзга чиқиб, мазкур марказнинг очилиши Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганининг ёрқин мисоли эканини таъкидлади. Америка Халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқининг (AIHA) кўмаги билан ташкил қилинган тиббий марказ Ўзбекистон аёлларининг соғлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деди у.

Марказ иши аёлларда учрайдиган касалликларни аниқлаш ва даволаш, оилани мустаҳкамлаш борасида маслаҳатлар бериш, соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилишга йўналтирилган.

АҚШ Давлат котиби Тошкентдаги божхона коллежига ҳам ташриф буюрди. Меҳмон коллеж ўқитувчилари ва талабалари ҳузурида сўзга чиқиб, Ўзбекистон раҳбариятининг давлат чегараларини мустаҳкамлаш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида юритаётган изчил сиёсати ва саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

— Чегаралар хавфсизлиги АҚШ сиёсатида ҳам муҳим ўрин тутади, — деди Мадлен Олбрайт. — Шу боис АҚШ Марказий Осиёда чегаралар хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистонга ёрдам сифатида 3 миллион доллар ажратишга қарор қилинган. Маблағ террорчилик, оммавий қирғин қуроллари ва оддий қурол-аслаҳалар ҳамда гиёҳванд моддалар контрабандасига қарши кураш учун малакали кадрлар тайёрлаш ва техник анжомлар сотиб олишга сарфланади.

АҚШ Давлат котиби Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ташриф буюриб, муфтий Абдурашид Баҳромов билан учрашди.

Шу билан АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

■ **(ЎзА)**

## ЎДАЕВ ИШНИ УДДАЛАЯПТИ

**Қарши туманидаги «Хонобод» жамоа хўжалиги маҳсулот етиштиришда, ҳосилдорликнинг пастлиги, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш даражаси ночорлиги боис вилоятда «тилга тушган»лардан эди. Очиғи шунинг учунми мазкур хўжалик раҳбарлардан ёлчимади. Бироқ қарийб бир йил муқаддам Дўстмурод Ўдаев раҳбар этиб сайланди-ю, ҳаммаси ўзгарди.**

**Куни кеча туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Хуррамов билан телефон орқали суҳбатимизда у шундай деб қолди:**

**— «Хонобод»да ўзгариш катта.Ҳозирги кунда бу ерда юзга яқин оилавий пудрат мавжуд. Ички ва ташқи ариқлар тозаланди. Беш-олти йилдан буён бир ҳолда ётган электр насослари таъмирланганлиги муносабати билан сув танқислиги ҳам бартараф этилди. Далалар чунонан яшнадики, кўрсангиз кўзингиз қувнайди. Ҳа, бу Ўдаев деганлари ишбилармон чиқиб қолди. Яна аллақаерлардан 70 га яқин қорамол, 200 та майда мол, 300 дан ортиқ парранда келтирибди. Бир вақт йўқолиб кетган чорва фермалари шу тарзда тикланди. Биз ҳам Ўдаевнинг ишлари ўнгидан келишини истаймиз.**

■ **Илҳом КАРОМОВ**

## МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ САРОЙИ

**Асака шаҳрида Маънавият ва маърифат саройи иш бошлади. Ҳомий ташкилотлар ёрдамида таъмирланган бино дид билан безатилганлиги учун худди янгидек чирой очди. Кўргазмалар зали, кутубхона, дам олиш хоналари бўлган бу зиё масканида қатор ижодий жамоалар, жамғармалар бўлимлари ҳам фаолият кўрсатаётир. Ўзаро ҳамкорлик аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида маърифий, тарбиявий ишларни изчил тарзда ўтказишнинг омили бўлмоқда.**

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ**



**Бугунги Тошкент кўринишлари.**

**Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

### САФАР ЯКУНЛАНДИ

Россия президенти вазифасини бажарувчи Владимир Путиннинг Буюк Британияга қилган бир кунлик сафари ниҳоясига етди. У икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган бир қанча учрашув ўтказди. Кузатувчилар ташриф якунларига баҳо берар экан, Россия билан Буюк Британия ўртасида янгича муносабатлар йўлга қўйилишига барча асослар мавжуд демоқда.

Европа иттифоқининг Москвада фаолият кўрсатаётган элчиларидан иборат делегацияси 20-21 апрель кунлари Шимолий Кавказга сафар қилади. Улар Моздок, Знаменск, Гудермес, Аргун, Грозний, Назран шаҳарларига боради. Ушбу хабарни тасдиқлаган Европа комиссияси расмий вакили Кристина Галакнинг хабар беришича, мазкур сафарнинг дастури Россия ҳукумати билан келишилган ҳолда тузилади.

### 60 КИШИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Жаҳон банкининг баҳорги сессияси охирлаб қолди. Тадбир кўчада ушбу молия муассасаларининг фаолиятига норозилик билдираётган намойишчиларнинг шовқини остида ўтмоқда. Ҳатто, намойишчилар билан полициячилар ўртасида бир неча бор тўқнашувлар ҳам содир бўлди. Тартиб посбонлари калтак ва кўздан ёш оқизувчи газни ишга солиб, олтмишга яқин кишини ҳибсга олди.

### КАТТА ХАТО ОҚИБАТИ

Италия вазирлар кенгашининг мажлисида ҳукумат раҳбари Массимо д'Алема истеъфога чиқиши мумкинлигини маълум қилди. У ушбу ниятини сўл марказчилар коалициясининг ўтган якшанба куни маҳаллий ҳокимиятларга ўтказилган сайловда мағлубиятга учрагани билан боғламоқда. Бош вазирнинг таъкидлашича, коалиция томонидан сайловга тайёргарлик жараёнида катта хатога йўл қўйилган.

### АКЦИЯЛАР АРЗОНЛАШМОҚДА

Токио қимматли қоғозлар биржасида акциялар яна арзонлаша бошлади. Япониядаги 225 та йирик компания қимматли қоғозларининг қийматини ифода этган Никкэй индекси бошда барқарор турган бўлса-да, кейинроқ қўққисдан 0,55 фоизга тушиб кетди. Душанба куни ҳам у 6,98 фоизга арзонлашган эди.

### ЯНА БИР КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСА

АҚШ Федерал қидирув бюроси ҳамда давлат департаментининг дипломатик хавфсизлик бошқармаси яна бир кўнгилсиз ҳодисага дуч келди. Бу гал ўта муҳим махфий ҳужжатлар сақланаётган компьютер йўқолди. Ушбу ҳодисанинг ҳақиқатан ҳам рўй берганини департамент расмий вакили Жеймс Рубин тасдиқлади.

### ҲАРБИЙЛАРГА СОВҒА

Жанубий Корея ҳарбий-денгиз кучларига қарашли иккита тез сузар ҳарбий қайиқ Бангладеш ҳарбий-денгиз кучларига совға қилинди. Ушбу совғадан Бангладеш қўшинлари Бенгал қўлтиғидаги соҳилларни қўриқлашда фойдаланади.

### ГИЁҲВАНД МОДДА МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Испания полициячилари бир куннинг ўзида уч марта наркотик моддани қўлга олишга муваффақ бўлди. Дастлаб Марбеллада 756 килограмм оғу қўлга туширилди. У қопларга солинган экан.

Кейинроқ Испания-Франция чегарасида хорижлик фуқаро ёнидан 28 килограмм ўткир гиёҳванд модда мусодара қилинди. Кечга бориб эса аэропортда Колумбиядан келган самолёт юкхонасидан яна 45 килограмм кокаин топилди.

### КУЧЛИ ПОРТЛАШ

Афғонистоннинг Бадахшон вилоятидаги темир-терсак омборида кучли портлаш юз берди. Оқибатда олти киши ҳалок бўлган, 13 киши жароҳатланган. Хабарда айтилишича, фожиа одамлар металлни машинага юклаётган пайтда юз берган. Ишчилар темир-терсак орасида танкларга қарши ишлатиладиган мина борлигини билмай, эҳтиётсизлик қилган экан.

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

## 1991 — 2000

### 1995 ЙИЛ

**12 октябрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро муносабатлар миллий демократик институти вакиллари қабул қилинди.

Ошкоралик вазиятида ўтган мулоқотда меҳмонларга муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан партиямизнинг нуқтаи назари баён этилди, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**25 октябрь.** Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партиямиз Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари иккинчи котибларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда партия Низоми ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг қарорига биноан шу йил ноябрь-декабрь ойларида партия гуруҳлари, цех ва бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишларига доир масалалар муҳокама этилди.

**31 октябрь.** Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида» деган мавзуда бўлиб ўтган «Давра суҳбати»нинг тафсилоти матбуотда чоп этилди. Ушбу учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, рўй бераётган чуқур ўзгаришлар ҳозирги босқичда партиямизнинг ўрни, унинг фаолиятидаги устувор йўналишлари, ташкилотларнинг олдида турган долзарб вазифалар, қийинчилик ҳамда муаммолар ҳақида ўзаро фикр-мулоҳазалар юритилди, тўпланган тажрибаларни умумлаштиришга эътибор берилди.

**8 ноябрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Жазоир Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бенамер Моханд Ақлий, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

**14 ноябрь.** Ўзбекистон ХДП Макразий Кенгаши Котибиятининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг БМТ 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқини Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ўрганиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишни уюштириш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида баён этилган масалалар ва олға сурилган ғоялар нафақат мамлакатимиз балки, Марказий Осиё давлатлари халқлари, қолаверса, бутун тинчликсевар жаҳон ҳамжамияти учун катта аҳамиятта эгалиги, уларни ҳар томонлама ўрганиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишнинг назарий ва амалий фойдаси шубҳасиз эканлиги таъкидланди.

**(Давоми бор).**

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

# ГАП СОНДА ЭМАС, СИФАТДА

Мирзо Улуғбек туманидаги Аҳмад Югнакий маҳалласида бошланғич партия ташкилотига Анатолий Александрович Ляховский кўп йиллар мобайнида котиблик қилиб келди. Партия аъзолари сони 21 дан 41 нафаргача ошди. Лекин гап фақат сонда эмас, сифатда: фаол, тажрибали аъзолар, ташаббускор ёшларни ташкилотга жалб этишда гап кўп!

Навбатдаги йиғилишда А. Ляховскийнинг ҳисоботи тингланди. Сўзга чиққанлар унинг партия ташкилотини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини, ЎзХДП III Қурултойи қарорларини, партиянинг янги таҳрирдаги Дастури ва ўзгартиришлар киритилган Низомини ҳаётга татбиқ этишда кўпгина ташаббуслар кўрсатганини алоҳида қайд қилишди. Ва улар А. Ляховскийга кўп йиллик меҳнати учун миннатдорчилик изҳор қилишди.

Бошланғич партия ташкилотининг янги котиби этиб Тўрали Ўрозбоев сайланди.

Сўнгра, ЎзХДП Мирзо Улуғбек туман кенгашининг биринчи котиби Раъно Сатторова «Бошланғич партия ташкилотларининг бугунги долзарб вазифалари» мавзуида сўзлади. Туман партия кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Нодира Зокирова «Партия аъзолигига қабул қилиш ва ёш партия аъзолари билан иш олиб бориш» борасида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Умуман, бу йиғилишда партияга кирувчиларнинг сонига эмас, балки кўпроқ унинг сифатига эътибор бериш, аъзоларнинг партия ғояларига дилдан чуқур ишонч ҳосил қилиб, бошқаларга ўрнак бўлиши ҳақида қизғин сўз борди. Турли касб эгалари — олимлар, врачлар, ишчилар ҳамда фаол хотин-қизлар ана шунга эришиш йўллари хусусида якдил фикрга келдилар.

■ **Ҳамид АБРОРИЙ**



*Айни кунларда Қизилқум яйловлари ўзгача манзара касб этган. Баҳор ўзининг кўм-кўк либосини ёйгани боис, саҳро чиройига янада чирой қўшилган. Саксовулларнинг майда гуллари хушбўй ҳид таратса, бархан-лар устида ястанган майсалар баҳор шамолида товланади. Бу эса чўпонларга олмишумул қувонч бағишлайди. Уларнинг ғайрат-шижоатини оширади.*

*Хоразм вилоятиниг Боғот туманидаги Искандар Дўсов номли жамоа ширкат хўжалиги чорвадорлари бу йилги қўзилатиш мавсумини Қизилқум яйловларида намунали олиб бормоқдалар.*

*Ҳозир жамоанинг 500 бош қўйи бу яйловларда боқиляпти. Муҳими, чорвадорлар мавсумда юқори кўрсаткичга эришмоқда.*

**Суратларда:** *хўжаликнинг бош чўпони Амин Маткаримов ва яйлов манзараси.*

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**



22 АПРЕЛЬ — БУТУНЖАҲОН ЕР КУНИ

# ИНСОН ВА ЕР ТАҚДИРИ

Дунёда байрамлар жуда кўп. Уларнинг келиб чиқиши, нишонланиши, шакли ва моҳияти ҳам турлича. Бошқача айтганда, ҳар бир миллатнинг ўз сиғинадиган куни ва сиғинадиган мозори бор. Лекин шундай байрамлар ҳам борки, тилидан, динидан, ирқидан, нуқтаи назари, келиб чиқишидан қатъи назар, инсониятни бир тилда сўйлатади, бир хилда ўйлатади. Аслида байрамларнинг улуғлиги ҳам шундадир. Умумжаҳон Ер куни худди ана шундай байрамлар сирасига киради. Биз учун у қадар таниш бўлмаган бу байрам 1970 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Худди шу йили Америка Қўшма Штатларидаги 20 миллион фуқаро экологик муаммолар қаршисида бирлашдилар. Эндиликда бу байрам бутун Ер юзида нишонланмоқда. Шу куни миллионлаб инсонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича турли тадбирлар ўтказадилар. Асосий мақсад — фаол ҳаракатлар йўлига ўтиш, инсоннинг онаси бўлган Ер сайёрасининг ҳаёт муҳитини сақлаб қолиш учун жаҳон миқёсида бирлашиб ҳаракат қилишдир. Фарқли томони шундаки, бу гаплар бугунги кунга келиб қуруқ шиорбозликдан иборат бўлиб қолаётгани йўқ. Ҳозирги кунда дунёнинг қатор давлатларида турли хил тадбирлар, ҳафталиклар ўтказилмоқда. 1990 йилда 141 давлатнинг 200 миллиондан ортиқ фуқароси Бутунжаҳон Ер кунида қатнашди. Жаҳоннинг илғор давлатлари — Япония, Канада, Франциядаги миллий офислар томонидан Ер куни акциялари тарқатилмоқда. Шарқий Европа ҳудудий экологик офисининг хабарига қараганда, офиснинг 2300 дан ортиқ филиали Ер кунини ташкиллаштиради. Бу йил бу оммавий тадбирларда 4 мингдан ортиқ гуруҳ, 181 давлатнинг 500 миллиондан ортиқ фуқароси қатнашади. Дунёнинг қатор давлатларида «Бутунжаҳон Ер куни — 2000» дастури доирасида тадбирлар уюштирилмоқда. 1990 йилда нишонланган Ер кунида иштирокчилар Луар дарёси (Франция) бўйлаб 500 км. гача қўл ушлаб, занжир ҳосил қилишган. Бу — дарёни чиқиндилардан сақлаш, эртанги авлодлар учун асраб қолишга қаратилган даъват эди. Шу куни бир гуруҳ алпинистлар Эверест чўққисидан 2 тоннадан ортиқ ахлат чиқиндилари йиғишган. 5 мингдан ортиқ италиялик автомобиль йўлига ётган ҳолда автомашиналарнинг чиқиндиларига қарши акция ўтказган. Гаити давлатида Ер куни миллий байрам, деб эълон қилинган. Иорданияда 10 мингдан ортиқ талабалар миллий шанбалик ўтказган. Токиода 35000 га яқин япон экологлари Хаёл ороли (ахлатдан ташкил топган орол) да йиғилиб, чиқиндиларни вақтинча қайта ишлаб чиқариш марказини тузишган. Буларнинг барчаси ўз-ўзидан юзага келган ҳаракатлар эмас. XXI аср бўсағасига келиб бундай тадбирларнинг ўтказилишига етарлича асос топилади. Сайёрамиз ривожланиш тарихига қиёслаганда инсоният тарихи лаҳзаларга тенгдир. Бугунги кунга келиб инсоннинг Ер иқлимига таъсири кучайди. Инсон ва табиат ўртасидаги мутаносиблик бузилди. Кўз ўнгимизда иқлим ўзгариши амалга ошмоқда, бутун бошли денгиз қурияпти, «озон туйнуклари», чўллашиш, «кислотали ёмғирлар» ва шу сингари экологик муаммолар таҳдид солмоқда. Бу таҳдид нафақат Ер сайёрасига қаратилган таҳдид, балки инсон ва унинг тақдирига қаратилган таҳдид ҳамдир. Зеро, Ер сайёрасининг тақдири — инсон тақдиридир. Ерга тажовуз шундай давом этаверса, XXI асрда инсоният тақдири улкан хавф остида қолиши муқаррар. Она сайёрамизни яшнаётган ҳолда барқарор сақлаб қолиш, боболаримизни түйдирган, бизни түйдираётган, авлодларимизни түйдирадиган Ер тақдири ҳақида, унинг ортида турган Бани Башар тақдири ҳақида қайғуриш — янги юз йиллик остонасида турган инсониятнинг кечиктириб бўлмас вазифасидир. Инсон тақдирини, хоҳ у ибтидоий аждодлар бўлсин, хоҳ у илмий тафаккур чўққисига етишган бугунги кун кишиси бўлсин, Ерсиз ва унинг табиий ресурсларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсон қаерда ва қачон туғилишидан қатъи назар, ягона оиланинг фарзандидир. Онага қарши бориб бўлмаганидек, Ерга ҳам қарши бориб бўлмайди. Ҳар бир экилган дарахт, тозаланган ариқ барқарор атроф-муҳитни таъминлашга ёрдам беради. Ер тақдири тўғрисида қайғуриш кундалик ҳаёт тарзимизга айланмас экан, инсоннинг эртанги тақдири хавф остида қолаверади. Афсуски, дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонимизда ҳам Умумжаҳон Ер куни ҳақида тасаввур ҳали тўла шаклланиб улгургани йўқ. Бу борада ҳали кўп ишлар амалга оширилиши керак. Бу оммавий ҳаракатлардан оммавий ахборот воситалари ҳам четда қолмаслиги керак. Умумжаҳон Ер куни — ўз тақдиримиз ҳақида қайғурадиган кун. Бу кун — берган неъматлари учун Ерга шукрона айтадиган кун. Бу кун — қилган гуноҳларимиз учун истиғфор айтадиган кун. Бир сўз билан айтганда, бу кун — Ерга сиғинадиган кун. Инсоният тарихи давомида ҳеч қайси даврда инсон тафаккури XX асрдаги каби илгарилаб кетган эмас. Инсон қайси бир чўққига чиқмасин, қанча кашфиётлар қилмасин, қадами коинотга етмасин, бир лаҳза бўлсин Ердан, илдизидан узоқлашиб кетмайди. Халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов ёзганидек:

***Гоҳо ер меҳрини***
***ўйларкан,***
***Эсга тушар дорнинг***
***сиёғи.***
***Ажаб ҳикмат: одам***
***ўларкан,***
***Узилганда Ердан***
***оёғи...***

■ **Шуҳрат ОРИФ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

ТАҲРИРСИЗ ХАТ

# РАИС КИМ УЧУН ЯШАШИ КЕРАК?

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, давлат қонунлари қадрланган мамлакат мустақил, мустаҳкам, ривожланган ва тинч бўлади, деб кўп бор гапирилмоқда. Аммо бу гаплар бизнинг хўжалик раҳбарлари онгига етиб бормаётгани бизни хат ёзишга мажбур қилди.

Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги «Намуна» ширкат хўжалигига 1987 йилда Адҳамжон Матисаев раис бўлди. Бизнинг Маданият қишлоғимизда 35 минг аҳоли яшайди. Аввалига жамоа аъзолари билан ҳамфикрликда иш бошлагандан ҳамма суюнганди. Лекин бора-бора атрофига қариндош-уруғларини йиға бошлади. Масалан: ем-хашак омбори мудирлигига қайноғаси Қодир Жалиловни, ер ҳисобчиси лавозимига бўласи Иброҳим Олимовни, кассирликка қудаси Ваҳоб Болтабоевни тайинлади. И. Олимов 1988-94 йилларда лавозимини суиистеъмол қилиб, яқин қариндошлари Азиза Олимова, Қодир Жалилов, Хусанбой Мўминов ва бошқаларга режадагидан кўра икки баробарида уй-жой қуриш учун ер бериб юборди. Ваҳоланки, хўжалигимизда бир ҳовлида уч-тўрт келини билан сиқилиб яшаётганлар етарлича бор. Улар эътибордан четда қолиб кетишди.

Ҳеч жойда ишламайдиган, хўжаликка фойдаси тегмайдиган баъзи қариндошларига гектар-гектар ер ажратиб берди. Масалан: хўжалик ҳудудидаги пойабзал фабрикаси ёнидаги 16 гектар майдон раис ва унинг ҳамтовоқлари тассарруфида. Улар шоли экишиб, рўзғорини бутлаш билан овора. Биз ер сўрасак ёлғон ваъдалар билан алдаб қайтараверади.

Хўжалигимизда муҳташамгина алоқа бўлими бор эди. 1995 йилда А. Матисаев ўз акасига 10 сотих ери билан уй-жой ўрнида берди. Аммо алоқа бўлими ҳали ҳам хўжалик ҳисобида турибди. Алоқа бўлими тармоғини эса чеккадаги тўкилай-тўкилай деб турган бинога кўчириб юборди. Хўжаликда мавжуд техника воситалари ҳам талон-торож қилинди. Техника сақлаш саройи ҳувуллаб қолди. Шундай раҳбарлар билан хўжалик иқтисодиётини юксалтириб бўладими? демократик давлат қуриб бўладими? Биз ҳаққимизни талаб қилиб бир қанча жойларга шикоят қилдик, аммо раиснинг суяниб турган тоғи шунчалар мустаҳкам эканми, ҳеч ким ҳақиқатнинг тагига етолмаяпти.

Хўжалигимиздаги касаба уюшмаси бошланғич ташкилотида 1978 йилдан буён ҳисобчи бўлиб ишлаётган Муқаддам Қўзиевани 1998 йилда «иш ўрнингиз қисқарди», деб ишдан бўшатишган эди. Аслида у кишининг ўрни кимгадир керак бўлган экан. Ўрта маълумотли ҳисобчи дарров топила қолди. Нега бундай бўлди, ахир М. Қўзиева ёлғиз ўғли билан яшайди, ўз ишининг мутахассиси, десак, «Мени ҳеч ким, ҳеч нарса қилолмайди. Бор, қаерга борсанг боравер», дейишдан нарига ўтмайди раис.

Юртбошимиз: «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак», деб турганда, А. Матисаев ўзи ва қариндошлари учун яшаб келаётганига нима дейиш мумкин?

■ **«Намуна» жамоа хўжалиги аъзолари номидан: М. ҚЎЗИЕВА, А. ФОЗИЛОВА, Н. ЎТАНОВ**

# МУНОСИБ ҲИССА

**Ҳозир қаерга борманг, катта бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Мамлакатимиз, айниқса пойтахт ва Тошкент вилояти улкан қурилиш майдонига айланди.**

Ҳозирги биноларга қараб кўнгил яйрайди. Бир-бирига ўхшамайди. Чиройли, қулай, бетакрор. Ана шундай уйлар учун эса албатта, ғишт керак. Аммо бу катта ҳажмдаги ишларга етарли даражадаги ғиштни ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлармиди! Аммо Янгийўлдаги «Ғиштинвест» жамоа корхонаси ишлаб чиқараётган қурилиш материалига эҳтиёж катта. Талабни қондириш, харидорлар ишончини оқлаш эса корхона ишчиларининг бош мақсади. Ҳозир бу ерда бир кунда 80 мингта пишиқ ғишт тайёрланмоқда. Мақсад — яқин келажакда бу кўрсаткични 100 минг донага етказиш. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Чунки корхонада фақат одамлардан кўпроқ ишлаш, режани ортиғи билан уддалаш талаб қилинавермасдан уларга қулай шароит яратиш маданий ҳордиқ чиқаришлари, яхши ишлаб, яхши яшашлари учун қайғуриш асосий тамойилга айланган. Бугунги кунда жамоада ғишт ишлаб чиқаришдан ташқари пахта териш этаклари, қўлқоплар, махсус иш коржомалари ҳам тайёрланмоқда.

Халқимизда «минг қўшчига бир бошчи» деган нақл бор. Корхона раҳбари Ўткир Маҳмудов жамоага омилкорлик билан етакчилик қилаётгани туфайли ҳар соҳада юксалиш таъминланмоқда.

Юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган, мустақилликни мустаҳкамлашга баракали ҳисса қўшаётган бундай жамоалар пойтахт вилоятида талайгина.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ЯШАШГА ҲАҚЛИ ЭДИНГ, СИНГИЛЖОН!

САМАРҚАНДЛИК МАРҲУМА ҲАДИЧА ҚАҲҲОР ҚИЗИ БИЛАН РУҲИЙ МУЛОҚОТ

Азиз сингилжон! Сени фоний дунёда кўрган эмасман. Лекин соддадил, очиқ кўнгил, бокира қиз эканлигингга имон келтираман. 1977 йилнинг 21 январь куни ёруғ дунёга келганингда, ота-онанг шодликдан еру-кўкка сиғмаганди. Ҳаёт завқидан қалби ғурурга, севинчга тўлганди. Улар сени оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Ҳеч нарсага зориқмадинг. Тенгқурларинг қатори мактабга бординг. Мустақил юрт бағрида таълим-тарбия олдинг. Билиминг ошди, ақлинг чархланди. Етук шифокор бўлиб халқ соғлиги йўлида чин дилдан хизмат қилишни орзу қилдинг.

Самарқанд тиббиёт институтида талабаликнинг сер-завқ ва серташвиш онларидан баҳраманд бўлдинг. «Аъло» ва «яхши» баҳоларга ўқиб 5-босқичга ҳам етдинг. Бу пайтда фанлардан пухта билим олиб, шифокорликнинг сир-асрорларини эгаллаётгандинг. Сулувликда Кумушбибидай ойни ҳам лол қолдирадиган бўлдинг. Самарқанд шаҳрининг Панжоб даҳасидаги ҳовлирингга кетма-кет совчилар кела бошлади. Айниқса, Умиднинг ота-онаси кўпроқ безовта қилди. Шу йигитга турмушга чиқишингга аянг ва Умиднинг онаси кўпроқ сабабчи бўлди. Улар бир-бири билан дугона ва бир корхонада меҳнат қилишарди. Бирида ўғил, бирида қиз бўлганлиги учун қуда-анда бўлишга келишди. Оқ фотиҳа ўқилди. Тўйгача Умид билан учрашиб турдинг. Унинг бойваччалиги сенга ёққандир, ҳар қалай, тўйга ризолик бердинг. Аммо ўн гулингдан бир гулинг очилмай хазон бўлаётганлигингни сезмадинг. Э, воҳ! Аттанг, афсус! Ёруғ дунёи дундан Кумушбибидай эрта кўз юмдинг. Келин уйи, гўшангаси сени сирли ўлим билан қарши олди. Бахтинг очилмади, қора бўлди. Ўша рутубатли тунда Умид сени қизлик иффатинг бузилганликда айблади, надоматларга буркади. Сен эса бокира эканлигингни исботлашга ҳаракат қилдинг. Минг афсус, буни сен эмас, суд тиббиёт экспертизаси вафотингдан кейин исботлади.

Сирли ўлимга дуч келдинг, дея хулоса чиқаришимизга қуйидаги асослар бор. Биринчиси, 1998 йил 26 октябрь куни «Ҳадича ўзини осиб қўйибди», — дея Умид эрталаб ҳовлисида аюҳаннос солди. Сенинг жасадингни машинасида тиббий тез ёрдам қароргоҳига келтирди: «Доставивший труп супруг в истерике кричал: ... моя жена повесилась!». Однако, при объективном осмотре не какой странгуляционной борозды на шее покойной отмечено не было! В области угла щитовидного хряща гортани отмечалась гематома диаметром — 4 см х 3см, напоминающая следствие какого то насилия». Исми шарифини ошкор қилмасликни илтимос эттан К. А. исмли шифокор шундай деб кўргазма берди. Гиппократ қасамини ичган олий маълумотли шифокор ўз фикр-мулоҳазаларини ҳар қалай тўғри ёзгандир. Терговчининг эса бу хулосани эътиборга олмаганлиги бизни ҳайратлантиради, ўйлантиради. Самарқанд вилояти суд тиббиёт экспертиза муассасаси (бошлиғи Ш. Абдуллаев) томонидан сенинг ўлиминг тафсилотлари ҳақидаги хулосаси бир ёқлама, дейди ота-онанг.

Иккинчиси, «Ҳадича ўзини-ўзи осмаган. Уни бўғиб ўлдиришган ва кейин осишган», — дея дод дейди қариндош-уруғларинг... Чунки, «Умид наркоман экан, неварамга уйлангунга қадар Оксана исмли жувон билан дон олишиб юраркан», — дея ёзади бобонг. Мен оддий журналист сифатида нима ҳам дердим. Ўлиминг юзасидан Самарқанд туман прокуратураси терговчиси Рустам Раупов тергов ишлари олиб борди. У билан сен бойликка рихлат қилган уйда бўлдим. Сенинг ўлимингни ҳеч кўз олдимга келтира олмадим. Ҳайҳот, «шу қувурга чойшаб билан ўзини осган. Мен шу ерга осилса одам ўлиши ва ўлмаслигини аниқладим. Чойшабга қувурнинг занги ҳам ўтиб қолган. Ҳадича осилган чойшабни кимдир ҳожатхонага ташлаб юборган экан. Уни топтирдим ва иккала чойшабни Х. Сулаймонова номидаги республика суд-тиббиёт экспертизаси институтига юбордим. Улар чойшабдаги занг бир хил деган хулоса беришди», — дейди терговчи Рустам Раупов. Наҳотки, эксперт хулосасида чойшабдаги бўйин ва бармоқ излари аниқланмаса? «Занг бир хил» деган мужмал жавобга мен нима дейишимизни ҳам билмадим. Рустам Рауповни тажрибали терговчи, узоқ йиллик меҳнат фаолиятига эга дейишади. Сенинг ўлиминг ҳақида қудалар ўртасида катта жарлик пайдо бўлган бир пайтда терговчи хушёрлик ва аниқлик билан иш олиб борганда яхши бўлармиди, дея ўйлайман. Менингча, чойшабни эмас, сенинг жасадингни Тошкент суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказганда икки томон ҳам жунбушга келмаган бўлармиди! Маҳаллада ортиқча гап-сўзлар бўлмасмиди? Шу ўринда терговчи Умиднинг гиёҳванд воситалар истеъмол қилганлигини ёки қилмаганлигини экспертиза орқали пухта аниқлаштириши лозим эди. Унинг гиёҳванд моддани истеъмол қилгандан сўнг руҳий ҳолатига ҳуқуқий баҳо берилганида эди, мақсадга мувофиқ бўларди.

Умидни қоралашга ҳаққим йўқ. У ёш ва навқирон йигит. Мустақил ҳаётга қадам қўйган инсон. Лекин сенинг сирли ўлимингни танҳо у билади. Шу боис Умид терговда ҳам, судда ҳам ўлиминг тафсилотини виждонан тўғри айтиши ҳамма учун жуда зарур эди.

Сингилжон! Аянг сенинг ўзингни ўзинг осганлигинг ёки бўғилганлигингни чин дилдан билишни истайди. Даданг: «Бу не сир-синоат, сирли ўлим бўлди», — дея зор қақшайди. Қудалар эса «Тўй қилиб, эл-юртга ош бериб кўргуликка қолдим. Йиққан-терганим сувга оқиб кетди», — дея ҳайқиради. Ҳозир ҳар икки томон ғазаб отига қамчи босаяпти, тергов ва суд жараёнларидан кўнгиллари тўлмаяпти.

Нуробод тумани суди сенинг ўлиминг билан боғлиқ жиноий ишни кўриб, атрофлича тўла текшириш мақсадида қайта терговга юборди. Вилоят суди эса (раиси С. Турсунов) ишни кассация тартибида жабрланувчиларнинг иштирокисиз кўрди. Сенинг ўлиминг ҳақидаги жиноий ишни қайта терговга эмас, балки Сиёб тумани судига топширди.

Яқинда Сиёб тумани суди сенинг ота-онанг, қариндош-уруғларинг ва адвокат Ҳамза Нурмуҳаммедовларни суд йиғилишига чақирмасдан ишга нуқта қўя қолди. Бу хатти-ҳаракатни мен ҳам тушунмадим.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири**

